

**Мавзу: ШАХАРДА ЯШАЙДИГАН
ФУКАРОЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ХУҚУҚИ
РЕЖА:**

- 1.Шахарда яшайдиган фукароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқининг умумий тавсифи.**
- 2.Уй-жой курилиши коперативларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи.**
- 3.Фукароларга берилган ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи.**
- 4.Шахар ва посёлка ерларини бошқаришнинг асосий хусусиятлари**
- 5.Шахар атрофи ва яшил муҳофаза минтакаларининг ҳуқуқий холати .**

Шахарлар деганда асосан саоат ва савдо, шунингдек хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан, маданият соҳаларида банд бўлган энг катта пунктлари тан олинади. Шахарлар умумий қоидага биноан туман, вилоятларнинг маъмурий ва маданий марказлари хисобланадилар. Уларнинг характерли хусусияти нинг зич жойлашганлиги ва курилишларнинг компактлигидир. Шахар жамият хаетида кўп жихатдан ижтимоий организм, мураккаб иқтисодий-географик, архитектура ва курилиш, шунингдек маданий мажмуалашган сифатида бўлади.

Шахар типидаги посёлка - бу шахарга ўхшаб кетадиган, лекин унга нисбатан кичикроқ микдордалиги билан фарқ қиласынан пунктидир. Агар шахар типидаги посёлкаларнинг майдони кенгайтирилса, уларни шахар типидаги пунктига айлантириш мумкин. Шахар типидаги посёлкалар пунктлари тизимида шахар пункти билан қишлоқ пункти ўртасида ўзига хос оралиқ ўринни эгаллайди. Шахар типидаги посёлкаларда шахар пунктларига хам , қишлоқ пунктларига хам хос бўлган белгилар учрайди.

Ахоли пунктларининг шахар ва қишлоқ пунктларига бўлиниши тарихан ижтимоий Мехнат тақсимоти билан боғлиқдир, яъни уларни тоифаларга чегаралайдиган асосий белгиси улар сининг моддий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги иштироки хисобланади. **Қишлоқ ахоли пунктлари** меҳнатга лаёқатли сининг катта қисми қишлоқ хўжалиги ижтимоий ишлаб чиқаришида қатнашади. Шундай қишлоқ пунктларида саноат, транспорт ва бошқа корхоналар жойлашган бўлиши мумкин, аммо улардаги ишчи ва хизматчилар кўпчиликни ташқил этмайдилар. Шахар ва шахар типидаги посёлкаларда ижтимоий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан Меҳнатга лаёқатли нинг фақат камгина қисми банд бўлади. Аммо, пунктларини шахар ёки қишлоқ пункти тоифаларига киритиш фақат нинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иштироки билан эмас, шу билан бирга нинг сонига қараб хам белгиланади, ёхуд пунктини шахар тоифасига киритиш учун қонунчилик маълум сони бўлиши лозимлигини кўрсатади.

Шахар ва қишлоқ пунктлари ҳуқуқий холатида фарқлар мавжуд. Ушбу фарқлар шундан иборатки, шахар пунктлари мустақил маъмурий-худудий бирлик хисоблансалар, қишлоқ пунктлари эса махаллий ўз-ўзини бошқариш органлари худудининг унча катта бўлмаган кисмини эгаллайдилар ва давлат тузилишининг маъмурий-худудий тизимида энг қуи бирликни ташқил қиласидилар. Шу сабабдан шахар пунктларининг ҳуқуқий холати қишлоқ пунктлариникига нисбатан анча кенгроқ тартибга солинган. Шахар пунктларига шахар ерлари биркитилган бўлиб, улар шахар хокимлиги томонидан бошқарилади. Қишлоқ пунктлари қишлоқ хўжалиги корхоналари ерларида жойлашган бўлади.

Маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида шахар пунктлари ўз хокимлиги тимсолида ўз бюджети, ўз хўжалигига эга бўлиб, фақат маъмурий эмас, балки иқтисодий мустақилликка хам эга бўладилар. Қишлоқ пунктларининг ҳуқуқий холати бутунлай бошқача бўлиб, уларнинг ўз бюджети хам, хўжалиги хам бўлмасдан фақат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш марказлари ролини ўйнайдилар. Бундан ташқари, шахар ва қишлоқ пунктлари ҳуқуқий холатидаги тафовутлар ердан фойдаланиш, ижтимоий таъминот, солик, коммунал хизмат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг ўзига хослигида хам намоён бўлади.